

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАЙИЛОВ ЖУМАНАЗАР ИСМАТОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА  
МАҲАЛЛИЙ КАЛИЙЛИ ЎҒИТНИ ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.04 – Агрокимё**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences**

**Исмайлов Жуманазар Исматович**

Суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида маҳаллий калийли ўғитни ғўзада  
қўллаш агротехнологияларини такомиллаштириш ..... 3

**Исмайлов Жуманазар Исматович**

Совершенствование агротехнологий применения местного калийного удобрения на  
хлопчатнике в условиях орошаемых типично-сероземных почв..... 19

**Ismayilov Jumanazar Ismatovich**

Improvement of local potassium fertilizer application agrotechnology to cotton in  
conditions of irrigated typical sierozem soils ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**ИСМАЙИЛОВ ЖУМАНАЗАР ИСМАТОВИЧ**

**СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА  
МАҲАЛЛИЙ КАЛИЙЛИ ЎҒИТНИ ҒЎЗАДА ҚЎЛЛАШ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.04 – Агрокимё**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Qx90 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.soil.uz>) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (<http://www.ziyonet.uz>) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ибрагимов Назирбай Мадримович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	Хошимов Фарход Ҳакимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. Бонров Абдунаби Жўраевич, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим.
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация химояси Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «30» 05 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-09-50; факс: (99871) 246-76-00; e-mail: info@soil.uz).

Диссертация билан Тупроқшунослик ва агрохимё илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100179, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 3-уй. Тел.: (+99871) 246-15-38.)

Диссертация автореферати 2018 йил «12» 05 кунни тарқатилди.  
(2018 йил «12» 05 даги 4 рақамли реестр баённомаси)



*R.K. Kuziev*  
Р.Қ.Кўзиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
б.ф.д., профессор

*N.Yu. Abdurakhmonov*  
Н.Ю.Абдурахмонов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, б.ф.н., катта илмий ходим

*M.M. Toshkuziev*  
М.М.Тошқўзиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича ғўза экиладиган майдон 29,2 млн. гектарни ташкил этиб, ҳар йили 22,8 млн. тоннадан ортиқ пахта толаси етиштирилади<sup>1</sup>. Ҳосилдорликни ошириш борасида тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда агрокимёвий хусусиятларини яхшилаш мақсадида калийли ўғитларга бўлган талаб йилдан йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Тупроқ таркибида озика моддаларнинг етарли миқдорда бўлиши учун АҚШ, Германия, Россия, Хитой ва бошқа давлатларда калийли ўғитларни ишлаб чиқариш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Бутун дунёда жорий қилинган барча лойиҳаларни ҳисобга олган ҳолда, 2025 йилга бориб калийли ўғитларни ишлаб чиқариш 19 миллион тоннага етиши кутилмоқда<sup>2</sup>.

Дунёнинг ғўза етиштирувчи, жумладан АҚШ, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа мамлакатларда калийли ўғитларни қўллаш меъёр ва муддатлари, тупроқ ҳамда ўсимликка таъсири, шунингдек ҳосилдорликни ошириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу мамлакатларда калийни азотли ва фосфорли ўғитлар билан биргаликда қўллаш меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилиб, уларни қўллаш агротехнологиялари ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз тупроқларининг унумдорлигини сақлаш ва ошириш, агрокимёвий хусусиятларини яхшилаш, минерал ўғитлардан самарали фойдаланишга қаратилган агротехнологияларни жорий этиш орқали ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида тупроқ унумдорлигининг сақланиши ҳамда ғўза ҳосилдорлигини оширишга қаратилган бир қанча тавсиялар ишлаб чиқилган. Лекин, турли тупроқ-иқлим шароитига мос ҳолда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни ғўзада мақбул меъёр ва муддатларда қўлланилиши, тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири, калий шакллариининг тупроқдаги мувозанатини аниқлаш ва шу билан биргаликда калийли ўғитларни қўллашнинг такомиллаштирилган агротехнологияларини ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаган. Республикани ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларини, энг аввало сув ва сув ресурсларини тежайдиган замонавий агротехнологияларини жорий этиш, агрокимё хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш» муҳим стратегик вазифа қилиб белгиланган. Шу туфайли Республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришда маҳаллий Тيوبегатан сильвинит қазилмаларидан ишлаб чиқарилаётган янги турдаги калийли ўғитларни суғориладиган типик бўз тупроқларни озика тартиби, тупроқдаги калий шакллариининг фракцион таркибини ўзгаришига таъсири, калийли ўғитдан

<sup>1</sup> <http://cotcorp.gov.in/shares.aspx>

<sup>2</sup> <https://www.belrynok.by>

фойдаланиш коэффициентини ошириш орқали ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқотлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги «Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2640-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 декабрдаги 03-12-7-сон «2017 – 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ва биологик химоя қилиш воситалари билан таъминлаш тизимини янада ривожлантириш, агрокимёвий хизматлар сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлари Дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз шароитида калийли ўғитларни ғўзадаги самарадорлигини аниқлаш бўйича Д.В.Харьков, Л.И.Першакова, С.А.Кудрин, П.В.Протасов, И.И.Мадраимов, Т.П.Пирохунов, Ф.К.Қодирхўжаев, Х.Саттаров, Т.П.Вайс, Л.Н.Толстова, Т.С.Насыров, Ш.Жумаев ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Калийли ўғитларни суғориладиган типик бўз тупроқлардаги озика тартиби, хусусан калийнинг фракцион таркиби, умумий ва ҳаракатчан шакллари, фойдаланиш коэффициенти, мувозанати, ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда сифатига таъсирини ўрганиш амалий аҳамият касб этади. Лекин, эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитларни ғўзада қўллаш муддатлари, меъёрларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар етарлича амалга оширилмаган.

**Тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси уруғчилиги, ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-010 “Тупроқни калий моддаси билан бойитишда маҳаллий Тюбегатан қазилмаларидан тайёрланган янги турдаги калийли ўғитларни ғўза навларида қўллаш меъёрлари ва муддатларини ўрганиш” (2012 – 2014 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни ғўзада қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда тупроқдаги калий шаклларини ўзгариши ва алмашинувчи калийни мувозанатини аниқлаш, 1 ва 3 йиллик меъёрларини 1 марта қўллаш орқали ресурс тежовчи агротехнологияларини такомиллаштиришдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни ғўзада қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда тупроқдаги калийнинг турли шаклларини ўзгариши, ўсимликларни озика моддаларни ўзлаштириши, калийни 1 тонна ҳосил учун сарфлаши ва унинг мувозанатини аниқлаш;

янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш;

маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни қўллаш меъёр ва муддатларига боғлиқ ҳолда ғўзанинг вилт билан зарарланиши, пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари ўзгаришини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғит танлаб олинган.

**Тадқиқот предмети** маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни қўллаш меъёрлари, муддатлари, тупроқдаги калий шакллари миқдорини ўзгариши, ўрта толали ғўзани “Наврўз” навининг ўсиши, ривожланиши, вилт касаллиги билан зарарланиш ва кўсақларни очилиш даражаси, пахта ҳосили, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари, иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотлар «Дала тажрибаларини ўтказиш бўйича услубий қўлланмалар», «Методика полевых опытов с хлопчатником в условиях орошения», «Суғориладиган тупроқларда минерал ва органик ўғитларни табақалаштириб қўллаш бўйича тавсиялар», «Пахтачиликда маҳаллий сильвинит қазилмаларидан тайёрланган янги турдаги калий ўғитини қўллаш бўйича тавсиялар», тупроқ ва ўсимлик таҳлиллари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах», «Методы определения свойств хлопка волокна» услубий қўлланмалар асосида олиб борилган. Олинган натижаларга статистик таҳлиллари «Методика полевого опыта» бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор эскидан суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзада янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни мақбул (2–3 чин барг, шоналаш, гуллаш даврларида) қўллаш муддатлари ва заҳира ҳолдаги (300 кг/га) меъёрлари илмий жиҳатдан асосланган;

янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни азот ва фосфор фонида тупроқдаги калий шакллари, мувозанатига, тупроқ унумдорлигига, ғўзани калийни ўзлаштириш коэффициенти таъсири аниқланган;

қўлланилган минерал ўғитларни тупроқдаги калийнинг фракцион таркиби, турли гуруҳларга кўчиш характерига таъсири исботланган;

янги турдаги калий ўғитининг ғўзани ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги ва тола сифатига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Эскидан суғориб келинаётган типик бўз тупроқлар шароитида маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни кузги шудгор (50 кг/га) ва шоналашда (50 кг/га) қўлланилганда калийнинг турли шаклларини ўзгариши, ўсимликларни озика моддаларни

ўзлаштириши, ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир этганлиги аниқланган.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни кузги шудгор остига 50 кг/га, шоналашда 50 кг/га ҳамда уч йиллик меъёрни бир мартада 300 кг/га кузги шудгор олдидан қўлланилганда пахта ҳосили 45,8 ва 45,5 ц/га ташкил этган.

Илмий изланиш натижаларидан қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ўқув жараёнида «Пахтачилик», «Тупроқшунослик ва агрокимё», «Ўғитларни қўллаш тизими», «Пахтачиликда агрокимё» фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни қўллаш муддатлари, меъёрлари, ресурс тежовчи агротехнология сифатида 1 ва 3 йиллик меъёрлари бир йўла қўллаш агротехнологияларининг элементларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотларни умум қабул қилинган услублар асосида ўтказилганлиги; назарий ва амалий натижаларнинг бири-бирига мослиги; олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш ҳамда илмий-амалий ишлар якуний натижаларининг мос келиши; тадқиқотларда тўпланган маълумотлар хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги; тадқиқот натижаларини республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитини ғўзада қўллашда суғориладиган типик бўз тупроқларда калий шакллари ўзгариш қонуниятлари, калийни қўллашнинг мақбул муддатлари, ресурс тежовчи агротехнология сифатида 1 ва 3 йиллик меъёрларини қўллаш илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти янги турдаги калийли ўғитни фермер хўжаликларида ғўзадан юқори ҳосил олишни таъминлайдиган мақбул меъёр ва муддатлари аниқланганлиги, ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида ғўзада қўллаш меъёр ва муддатларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

“Пахтачиликда маҳаллий сильвинит қазилмаларидан тайёрланган янги турдаги калийли ўғитни қўллаш бўйича тавсиялар” ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 02/20-100-сон маълумотномаси). Ушбу тавсия республиканинг пахта етиштирувчи фермер хўжаликларида қўлланма сифатида хизмат қилган;

янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитини азот ва фосфорли ўғитлар фонида қўллашнинг тупроқ унумдорлиги, калий шакллари, мувозанати, ғўзани калийни ўзлаштириш коэффицентига таъсири ўрганилган. Калийли ўғит суғориладиган типик бўз тупроқлар шароитида кузги шудгор остига (50 кг/га) ва шоналашда (50 кг/га) қўлланилганда ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ижобий томонга ўзгарганлиги



аниқланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 02/20-100-сон маълумотномаси).

янги турдаги маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни ғўзада қўллашнинг такомиллаштирилган агротехнологиялари Тошкент вилоятининг Бўка, Юқори Чирчиқ ва Қибрай туманларида жами 157,0 га майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 12 февралдаги 02/20-100-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ғўзадан 4–5 ц/га қўшимча пахта ҳосили етиштирилиб, рентабеллик даражаси 18 – 22 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 5 та жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий мақола чоп этилган. Жумладан, 1 та тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Калийли ўғитларнинг ғўза ва бошқа экинлардаги самарадорлиги борасидаги маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқот натижалари**» деб номланган биринчи бобида калийни самарадорлиги бўйича ўтказилган хорижий ва маҳаллий тадқиқот натижалари батафсил ёритилган. Ғўза ва унинг мажмуидаги экинларда калийнинг аҳамияти, турли тупроқ турларида ўзгариш хусусиятлари, азот ва фосфорга бўлган мақбул нисбатлари, қўллаш усуллари, муддатларининг ғўзадаги самарадорлиги, пахта ҳосили ва сифатига бўлган таъсири тўғрисидаги адабий маълумотлар баён қилинган. Лекин кейинги 30 йил давомида пахтачиликда калийни қўллаш борасида илмий тадқиқотлар ўтказилмаганлиги ва ушбу йўналишда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитини ғўзада қўллаш агротехнологияларини такомиллаштириш зарурлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотларнинг тупроқ-иклим, услубий шароитлари ва қўлланилган агротехник тадбирлар**» деб номланган

иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, бажарилган агротехник тадбирлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Биз таърифлаётган тупроқлар шўрланмаган. Улардаги қуруқ қолдиқ 0,064 – 0,064 % оралиғида Cl-0,003 %, карбонатлар миқдори (CO<sub>2</sub>) 7,80 – 7,73 % оралиғидадир. Таъкидлаш жоизки тажрибалар ҳар йили бир далада ўтказилган. Агрокимёвий хусусиятларига кўра, тажриба даласи тупроғи ҳайдов (0 – 30 см) остки (30 – 50 см) қатламларида умумий чиринди миқдори мутаносиб равишда 0,871 – 0,775 %, азот 0,078 – 0,070; фосфор 0,137 – 0,120 ва калий эса 1,870 – 1,200 % ни, N-NO<sub>3</sub> – 18,6 – 5,2; P<sub>2</sub>O<sub>5</sub> 33,2 – 19,4 ва K<sub>2</sub>O – 280 – 160 мг/кг ни ташкил этган.

Оқ-қовоқ об-ҳавони кузатиш агрометеостанциясидан олинган маълумотлар бўйича тадқиқот йилларининг март ва апрель ойларида ўртача 155,1 ва 61,4 мм ёғингарчилик бўлган ва кўп йилликдан март ойида 69,4 мм ортиқ, апрель ойиники эса 11,4 мм камроқ бўлган. Май ойида ўртача ҳаво ҳарорати ўртача 21,7 °С атрофида бўлиб, ёғингарчилик миқдори 12,9 мм бўлган.

Ёз ойларида ҳаво ҳарорати 26,0 – 27,0 °С, июнь ва август ойларида кўп йилликдан 0,7 – 1,2 °С ортиқча, июль ойида 0,2 °С га камроқ бўлган.

Сентябрь ва октябрь ойларида ҳаво ҳарорати ўртача 26,5; 21,3 °С ни ташкил этиб, ғўза тупидаги кўсақларни ривожланишига мақбул шароит бўлган. Ҳавонинг нисбий намлиги апрель ойида 69,3 % бўлиб, кўп йилликдан 8,3 % юқори, августда эса бу кўрсаткичлар 64,0 ва 64,6 % га тенг бўлган.

Ўртача фойдали ҳарорат йиғиндиси апрель ва май ойларида 135,6 ва 361,3 °С, июнь ва июлда 475,6 ва 517,3 °С бўлиб, апрель ойида кўп йилликка нисбатан 9,4 °С кам бўлган. Тадқиқот йиллари кузда ҳаво шароити мақбул келиб, пахта йиғим-терими эрта муддатларда ўтказилган.

Дала тажрибаларида қуйидаги илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Тажрибаларни бошлашдан олдин, кузда конверт усулида тупроқнинг 0 – 30, 30 – 50 см ли қатламларидан намуналар олиниб, умумий гумус миқдори И.В.Тюрин, азот, фосфор ва калий К.Е.Гинзбург ва Г.М.Щеглова усулларининг И.М.Мальцева ва Л. Гриценко модификацияси бўйича, N-NO<sub>3</sub> миқдори ионометрик асбобда, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин, K<sub>2</sub>O миқдори П.В.Протасов усулида аниқланган.

Ғўзани ўсув даврида ҳамма вариантларнинг икки қайтариқларидан 0 – 30, 30 – 50, 50 – 70 ва 70 – 100 см қатламлардан тупроқ намуналари олиниб, нитратли азот ва ҳаракатчан фосфор ҳамда 0 – 30, 30 – 50, 50 – 70 см қатламларда калийни умумий шакли Смит, (қийин ўзлаштириладиган) кислотада эрийдиган Гедройц, фиксацияланган Пчелкин ва (енгил ўзлаштириладиган) органик – водород периксда, алмашинувчи Протасов, сувда эрийдиган – сувли сўрилма усулларида таҳлил қилинган.

Янги турдаги калий ўғитини кўллаш меъёр ва муддатларига боғлиқ ҳолда озика моддаларни сарфланиши, ўсимлик органларидаги қуруқ массаси, улар таркибидаги умумий NPK миқдорлари И.М.Мальцева ва

Л.Гриценконинг такомиллаштирилган усулларида аниқланган. Ўсимлик томонидан 1 га майдондан озиқа моддаларни ўзлаштирилиши, 1 тонна ҳосил учун сарфлаши, калийнинг мувозанати ҳисобланган. Ғўзанинг амал даврида ҳар ойнинг биринчи кунда фенологик кузатувлар ўтказилган. Пахта ҳосили теримлар ва қайтариқлар бўйича қўлда терилган. Пахта толасининг технологик сифат кўрсаткичлари, 1000 дона чигит вазни, таркибидаги оксилсиз ва оксилли азот (юқоридаги усулларда) ва мойдорлик миқдори (Соксет аппаратида) аниқланган. Пахта ҳосили маълумотларига Б.А.Доспехов усулида математик ишлов берилган. Калий ўғитларини ғўзада қўллаш бўйича иқтисодий самарадорлиги Н.А.Баранов усулида ҳисобланган.

Диссертациянинг «**Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитининг тупроқдаги калий шакллариининг ўзгариши ва ўсимликларнинг озиқа унсурларини ўзлаштириши ҳамда мувозанатига таъсири**» деб номланган учинчи бобида калийни тупроқдаги шакллариини ўзгариши бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, тажрибаларни бошлашдан аввал 2011 йилни кузида олинган тупроқ намуналарида 0 – 30 см.ли қатламда умумий калий 1,800 % қийин ўзлаштириладиган калий шаклларииндан: 100 г. тупроқда кислотада эрийдигани 110,0 ва фиксациялангани 80 мг ни, енгил ўзлаштириладиган шаклларииндан: органик калий – 4,5; алмашинувчи – 28,0; сувда эрийдиган калий эса 1,0 мг ни ташкил этганлиги аниқланган. Тупроқни пастки 30 – 50 ва 50 – 70 см ли қатламларида (фиксация қилинган шаклларииндан ташқари) барча кўрсаткичлар нисбатан камлиги кузатилган (1-жадвал).

Тажрибанинг 3-йилида ғўза амал даври охирида тупроқ намуналарида ўтказилган агрохимёвий таҳлилларнинг натижаларига қараганда, назорат (калий қўлланилмаган) вариантда тупроқни 0-30 см ли хайдов қатламида ўсимликни ўзлаштириши ҳисобига калийни деярли барча шакллариини дастлабки ҳолатига нисбатан камайганлиги аниқланган. Энг муҳим кўрсаткичлардан: умумий калий миқдори 0,1 %, алмашинувчи 6,0 мг/100 г ва сувда эрийдигани 0,2 мг/100 г га камайганлиги таҳлил этилган.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий хом ашёдан тайёрланган ва Россиядан келтирилган калийли ўғитлар тавсиялар асосида (кузги шудгорда 50 кг/га ва шоналашда 50 кг/га) қўлланилган вариантларда деярли бир хил ва барча вариантларга нисбатан мақбул кўрсаткичлар олинди. Бунда умумий калий миқдори 0 – 30 см ли тупроқ қатламида дастлабки ҳолатидан 0,05 % га камайганлиги, назоратга нисбатан эса 0,05 % га юқори бўлса, алмашинувчи калий дастлабки ҳолатидан 2,0 мг/100 г кам, лекин назоратдан 4,0 мг/100 г. га юқори бўлган. Шунингдек сувда эрийдиган калий миқдори ҳам Россиядан келтирилган калийга нисбатан 0,1 мг/100г. га камроқ бўлганлиги аниқланган.

Маҳаллий калий ўғити 100 кг/га меъёрда кузги шудгорда қўлланилган (7) вариантда калийни шаклларииндан умумийси дастлабки ҳолатидан 0,08 % га, алмашинувчиси 3,0 мг/100 г. га, сувда эрийдигани эса 0,4 мг/100 г. га камайган.

Калий заҳира ҳолда қўлланилган вариантда сўнгги таъсирини 2-йилида умумий калий 1,730 % ни ташкил қилган ҳолда назоратдан 0,03 % юқори, лекин дастлабки ҳолатидан 0,07 % га кам бўлган.

**Калийли ўғитларни ғўзада қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда  
тупроқда калий шаклларининг ўзгариши**

Вариант тартиби	Калийни қўллаш муддатлари, кг/га		Тупроқ қатламлари, см	Умумий, %	Қийин ўзлаштириладиган, мг/100 г		Енгил ўзлаштириладиган, мг/100 г		
	кузги шудгорда	шоналашда			кислотада эрийдиган	фиксацияланган	органик	алмашинувчи	сувда эрийдиган
Дастлабки миқдорлари (18.11.2011 й.)									
			0-30	1,800	110,0	80,0	4,5	28,0	1,0
			30-50	1,700	100,0	84,0	3,5	16,0	0,5
			50-70	1,600	90,0	78,0	3,0	14,0	-
Кузда (28.09.2014 й.)									
1	-	-	0-30	1,700	90,0	80,0	3,5	22,0	0,8
			30-50	1,600	90,0	83,0	3,5	16,0	0,5
			50-70	1,600	90,0	75,0	3,0	13,0	-
2	50	50	0-30	1,750	110,0	90,0	4,7	26,0	0,9
			30-50	1,800	100,0	80,0	4,0	18,0	0,7
			50-70	1,600	90,0	80,0	4,0	16,0	0,3
3	50	50	0-30	1,750	110,0	90,0	4,6	26,0	0,8
			30-50	1,800	90,0	80,0	4,0	20,0	0,3
			50-70	1,600	90,0	80,0	4,0	18,0	0,2
7	100	-	0-30	1,720	90,0	85,0	4,5	25,0	0,6
			30-50	1,700	90,0	80,0	4,8	20,0	0,4
			50-70	1,600	80,0	80,0	4,0	18,0	0,2
12	300	-	0-30	1,730	100,0	80,0	5,2	26,0	0,8
			30-50	1,700	90,0	81,0	4,0	20,0	0,5
			50-70	1,600	80,0	80,0	4,0	20,0	0,4

**Эслатма:** 12-вариантда (300 кг/га) калий ўғити 3 йилда 1 марта қўлланилган.  
2-вариантда Россиядан келтирилган, қолганларида эса маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитлари қўлланилган.

Алмашинувчи калий миқдори эса 26,0 мг. га тушган ҳолда назоратдан 4,0 мг га юқори бўлганлиги умуман эса барча кўрсаткичларни йилдан-йилга пасайиши ва эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларда (алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланган бўлса ҳам) албатта калийли ўғитларни қўллаш кераклиги аниқланган.

Ўзани амал даври охирида ўсимлик намуналарида ўтказилган агрохимёвий таҳлилларнинг натижаларига қараганда умумий азот ва фосфорни нисбатан юқори миқдорлари пахтада, калий эса чаноқларда бўлганлиги аниқланган, бу ҳолат ўсимлик пишиш даврида озиқа унсурларининг вегетатив органлардан генератив органлари томон силжишидан далолат беради.

Назорат вариантыда умумий NPK миқдорлари баргларда мутаносиб равишда 2,16; 0,58; 1,42 %, пояда 0,74; 0,64; 1,34 %, чаноқларда 1,48; 0,70; 2,80 % ва пахтада эса 2,24; 0,94; 0,89 % ни ташкил этган. Калийли ўғитлар Россиядан келтирилган ва маҳаллий хом ашёдан тайёрланган турларда кузги шудгорда (50 кг/га) ва шоналаш даврида (50 кг/га) қўлланилган вариантларда умумий калий миқдорлари мутаносиб равишда баргларда 1,62–1,63 %, пояда

1,47–1,45 %, чанокларда 3,24–3,21 % ва пахтада 1,13–1,10 % ни ташкил қилган ҳолда назоратдан 0,20–0,21 %, 0,13–0,11 %, 0,44–0,41 % ва 0,14–0,11 % га юқори бўлганлиги аниқланган. Бу кўрсаткичларни орасида умумий калийнинг нисбатан кўпроғи ғўза чанокларида бўлган.

Калийли ўғитни мақбул муддатларда қўлланилиши ўсимлик таркибида нафақат умумий калий миқдори, қолаверса азот ва фосфорга ҳам таъсири бўлганлиги аниқланди. Калий ўғити 2 марта қўлланилганда умумий миқдорлари назоратга нисбатан баргларда 0,09 %, пояда 0,04 %, чанокларда 0,05 % ва пахтада 0,05 % га юқори бўлди. Шунингдек умумий фосфор миқдорлари ҳам 0,06 %; 0,02 %; 0,08 % ва 0,08 % га фарқланган.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити 2 мартадан (50 кг/га) турли муддатларда қўлланилган вариантларда ҳам назорат вариантга нисбатан озика унсурларини миқдорлари ортганлиги кузатилди, лекин калийни мақбул қўллаш муддатларига нисбатан бир оз камроқ бўлди.



Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитини йиллик меъёри кузда солинганга нисбатан уни ғўзани шоналаш даврида қўллаш мақбул эканлиги бизни тажрибаларда исботланди, бу вариантлар орасида умумий калийни ўсимликдаги миқдори 0,01; 0,02; 0,02 ва 0,02 % га фарқланган.

Демак, ирригация эрозиясига чалинмаган эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларда ғўза озика унсурларини нисбатан яхши ўзлаштириши учун маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитини кузги шудгорда (50 кг/га) ва шоналашда (50 кг/га) ёки заҳира ҳолда (300 кг/га) қўллаш мумкинлиги кузатилган.

Бизни тадқиқотларда шунингдек, калий ўғити қўлланилмаган 1-вариантда ( $N - 200$ ,  $P_2O_5 - 140$  кг/га) ғўза амал даври охирида 1 гектар майдондан 261,0 кг азот, 95,6 кг фосфор ва 233,2 кг калийни ўзлаштирган бўлса, 1 тонна пахта ҳосили учун бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 53,5; 19,6 ва 47,8 кг га тенг бўлганлиги аниқланган.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити Россиядан келтирилган тури сингари бир хил муддатларда қўлланилган вариантда ҳам бир хил кўрсаткичлар олинган ва 1 гектардан ўзлаштирилган азот миқдори 301,3 кг, фосфор 112,6 кг ва калий 279,5 кг ни, 1 тонна ҳосил учун сарфланиши эса 55,1; 20,6 ва 51,0 кг/га тенг бўлган. Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийни ғўзада фойдаланиш коэффиценти 46,3 % бўлиб, Россиядаги турига тенг ёки 0,2 % га юқори бўлганлиги аниқланган (1-расм).

Тупроқ ва ўсимликлардаги калий мувозанати бўйича олинган маълумотларга кўра Россиядан келтирилган калий маҳаллий хом ашёдан тайёрланган янги тури билан бир хил меъёр ва муддатларда (50 кг/га кузги шудгор ва 50 кг/га шоналашда) қўлланилган вариантларда 3 йилда ғўзани калийни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш меъёрлари 713,7 ва 710,9 кг/га ни ташкил қилиб, қўлланилган калийли ўғитлар ҳисобига ўсимликлар шу жумладан 140,7 ва 137,9 кг/га калийни сарфлагани аниқланган, бу вариантларда калийни умумий мувозанати мутаносиб равишда –413,7 ва –410,9 кг/га ни ташкил этган.



1–расм. Калийни бир тонна пахта ҳосили учун сарфлаши, кг (А), фойдаланиш коэффициенти, % (Б) 2014 йил

Маҳаллий калий ўғити турли муддатларда (экиш олдидан ва шоналашда, 2 – 3 чин баргда ва шоналашда, шоналаш ва гуллашда) 2 мартадан 50 кг/га меъёрларда қўлланилган вариантларда калийни умумий мувозанатлари мутаносиб равишда –409,5; –408,9 ва –405,5 кг/га ни, самаралиси эса –436,5; –437,1 ва –440,5 кг/га ташкил этиб, ўғит ҳисобига тупроқдаги калий 136,5; 135,9 ва 132,6 кг/га назоратга нисбатан камроқ ўзлаштирилганлиги кузатилган.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити заҳира ҳолда, ресурс тежовчи технология сифатида 3 йиллик меъёри (300 кг/га бир йўла қўлланилган вариантда калийни умумий мувозанати –407,9 кг/га ни, самаралиси эса –438,1 кг/га ни ташкил қилди ва ўсимликлар тупроқдан 3 йил давомида 134,9 кг/га калийни камроқ ўзлаштирганлиги аниқланган.

Калий қўлланилмаган вариантда 3 йил давомида ғўза ўсимлиги вегетатив ва генератив органлари орқали тупроқдаги калийни 573,0 кг/га миқдорда ўзлаштириши эса, эскидан суғориладиган тупроқларда уларни алмашинувчи калий билан ўрта даражада таъминланганлигига қарамай, албатта калийли ўғитларни қўллаш кераклигини яна бир бора исботлайди.

Диссертациянинг «Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитининг ғўзани ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири» деб номланган тўртинчи бобида фенологик кузатувлар ва ғўза ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар келтирилган бўлиб, фенологик кузатувларда аниқлашича, калий қўлланилмаган назорат вариантыда (1.08) ғўза бош поясининг баландлиги 69,8 см ни, ҳосил шохлари сони 11,0 донани ва кўсаклар сони (1.09) 11,6 донани, шу жумладан очилганлари 4,4 донани ташкил этди. Калий ўғити турлари кузги шудгорда ва шоналашда қўлланилганда бу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 9,1 – 9,2 см, 1,5 – 1,4 ва 2,7 – 2,8 донага юқори бўлганлиги аниқланган. Ҳаттоки, кўсакларни очилиши ҳам назоратга нисбатан 0,9 – 1,0 донага ёки 12,0 – 12,2 % га кўпроқ бўлган.

Калий ўғитлари 2 мартадан турли муддатларда қўлланилган (4 – 6) вариантларда ҳам назоратга нисбатан юқори кўрсаткичлар олинган, лекин калий мақбул муддатларда қўлланилган (3) вариантга нисбатан кўсаклар сони 0,3 – 0,7 ва очилганлари 0,5 – 0,7 донага камроқ бўлганлиги кузатилган.

Шунга яқин кўрсаткичлар калийни йиллик меъёри 1 мартадан

қўлланилган (7 – 11) вариантларда ҳам кузатилди, булар орасида нисбатан пастроқ кўрсаткичлар калий ғўзани гуллаш даврида қўлланилганда олинган.

Калий ўғити захира ҳолда 300 кг/га меъёрида 1 марта ресурс тежовчи технология сифатида қўлланилган 12-вариантда калийни 2-йил сўнгги таъсирида ғўза бош поясининг баландлиги 78,2 см, кўсақлар сони 12,4, очилганлари эса 5,2 донани ташкил қилиб, нисбатан мақбул кўрсаткичларга эга бўлган вариантникига қараганда 0,8 см, 0,4 ва 0,2 донага камроқ бўлган.

Назорат вариантыда пахта ҳосили йилдан-йилга (32,5; 42,8 ва 48,8 ц/га) ортиб борганлигини эса асосан йилни иқлим шароитининг ниҳоятда мақбул келганлиги ва ўртача ҳосилдорлик 41,3 ц/га ташкил этганлиги билан тушунтириш мумкин (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни қўллаш муддатларига боғлиқ ҳолда пахта ҳосилига таъсири, (ц/га)

Вариант тартиби	Калийни қўллаш муддатлари, кг/га					Йиллар			2012 – 2014 йй. ўртача ҳосил	Қўшим-часи
	шудгор-да	экиш олдида	2-3 чин баргда	шоналашда	гуллаш-да	2012	2013	2014		
1	-	-	-	-	-	32,5	42,8	48,8	41,3	-
2	50	-	-	50	-	36,7	47,0	54,2	45,9	4,6
3	50	-	-	50	-	36,2	46,7	54,7	45,8	4,5
4	-	50	-	50	-	33,4	44,6	50,5	42,8	1,5
5	-	-	50	50	-	34,6	44,8	51,3	43,5	2,2
6	-	-	-	50	50	33,6	44,0	50,8	42,8	1,5
7	100	-	-	-	-	34,4	45,1	52,0	43,8	2,5
8	-	100	-	-	-	34,0	44,3	51,1	43,1	1,8
9	-	-	100	-	-	35,1	44,8	51,7	43,8	2,5
10	-	-	-	100	-	35,7	45,6	52,7	44,6	3,3
11	-	-	-	-	100	33,5	44,1	50,3	42,6	1,3
12	300	-	-	-	-	37,0	46,4	53,3	45,5	4,2
<b>НСР<sub>05</sub></b>						<b>0,88</b>	<b>0,88</b>	<b>1,56</b>	<b>ц/га</b>	
<b>НСР<sub>05</sub></b>						<b>1,7</b>	<b>1,7</b>	<b>2,2</b>	<b>%</b>	

*Эслатма: 12-вариантда калийни 3 йиллик меъёри (300 кг/га) 2011 йилнинг кузида шудгор остига қўлланилган.*

Бу кўрсаткичлар ўсимликлар калийни асосан тупроқ захираларидан ўзлаштиришидан далолат беради, лекин калийли ўғит қўлланилмас тупроқдаги калий захирасини йилдан йилга камайиши кузатилади.

Калийли ўғитлар Россиядан келтирилган ва маҳаллий хом ашёдан тайёрланган турларида кузги шудгорда (50 кг/га) ва ғўзани шоналаш даврида (50 кг/га) қўлланилган 2 ва 3-вариантларда тадқиқот йилларига мутаносиб равишда пахта ҳосиллари 36,7–36,2; 47,6–46,7 ва 54,2–54,7 ц/га ни 3 йилда ўртачалари эса 45,9–45,8 ц/га ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар назоратдан йиллар бўйича 4,2–3,7; 4,2–3,9 ва 5,4–5,9 ц/га ҳамда ўртача 3 йилда 4,6–4,5 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити 2 муддатда (экиш олдида ва шоналашда, 2–3 чин баргда ва шоналашда ҳамда шоналаш ва гуллашда) қўлланилган 4 – 6-вариантларда 3 йилда ўртача пахта ҳосиллари

мутаносиб ҳолда 42,8; 43,5 ва 42,8 ц/га ни, қўшимчалари эса 1,5; 2,2 ва 1,5 ц/га ни ташкил этган. Бу кўрсаткичларни охиригилари калийни мақбул қўллаш муддатидан (3-вариант) 3,0; 3,3 ва 3,0 ц/га камроқдир.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити 1 мартадан (шудгорда, экиш олдидан, 2–3 чин баргда, шоналаш ёки гуллашда) 100 кг/га меъёрада қўлланилган вариантларда ўртача 3 йиллик кўрсаткичлар 43,8; 43,1; 43,8; 44,6 ва 42,6 ц/га ни қўшимчалари эса 2,5; 1,8; 2,5; 3,3 ва 1,3 ц/га ни ташкил этган.

Бу вариантлар орасида нисбатан юқори қўшимча пахта ҳосиллари калий ўғити (100 кг/га) кузги шудгорда (2,5 ц/га), 2–3 чин баргда (2,5 ц/га) ва шоналашда (3,3 ц/га) қўлланилганда олинган. Бу эса ўсимликлар учун калийни мақбул қўллаш муддатларини аниқлаш кераклигини кўрсатади. Бошқача айтганда калийни 2 марта нисбатан ноқулай муддатларда қўллашдан кўра 1 марта мақбул муддатда қўллаш кераклиги кузатилди.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитини захира ҳолда 3 йиллик меъёрини (300 кг/га) бир йўла кузги шудгор остига, ресурс тежовчи технология сифатида қўллаш самардорлиги ўрганилган вариантда 4,5 ц/га қўшимча пахта ҳосили олинган бўлса, унинг 1 ва 2–сўнгги таъсирлари 3,6 ва 4,5 ц/га га тенг бўлган. Ўртача 3 йиллик пахта ҳосили 45,5 ц/га ни, қўшимчаси эса 4,2 ц/га ни ташкил этган.

Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқларнинг ирригация эрозиясига чалинмаган қисмларида маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитининг таъсирида нисбатан юқори пахта ҳосили (45,8 ц/га) кузги шудгорда (50 кг/га) ва шоналашда (50 кг/га) қўлланилганда олинган ва захира ҳолда ресурс тежовчи технология сифатида калийни 3 йилда 1 марта қўллаш мумкинлиги аниқланган.

Бизни тажрибаларда калийли ўғитлар 2 хил турда, 2 муддатларда (50 кг/га кузги шудгорда ва 50 кг/га шоналашда) қўлланилган вариантларда тола чиқиши мутаносиб равишда 41,0–41,0 %, 1000 дона чигит вазни 118,0–119,1 г, узилиш кучи эса 4,8 – 4,8 г/к, чизиқли зичлиги 186 – 186 м/текс. ни ташкил қилган ҳолда назоратдан 0,5–0,5 %, 3,0–4,0 г, 0,3 – 0,3 г/к, 6,0 – 6,0 м/текс га юқори бўлганлиги аниқланган.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитини йиллик меъёри (100 кг/га) бир йўла шудгорда, экиш олдидан, 2-3 чин баргда, шоналашда ёки гуллашда қўлланилган 7–11-вариантлар орасида нисбатан яхши кўрсаткичлар калий ўғитини шоналаш даврида қўлланилганда (10 вар) олинган. Бунда толанинг чиқиши 40,9 %, 1000 дона чигит вазни 120,4 г ни, чизиқли зичлиги 184 м/текс, узилиш кучи (пишиқлиги) 4,6 г/к га тенг бўлиб, назоратга нисбатан 0,4 %, 5,4 г, 4,0 м/текс, 0,1 г/к га юқори эканлиги аниқланган.

Захира ҳолда 2011 йилни кузида (300 кг/га) қўлланилган калийни таъсири (2012) ва сўнгги таъсирларида пахта толасининг тахнологик хусусиятларига назоратга нисбатан яхши бўлганлиги аниқланди. Бу (12) вариантда ҳам 3 йил давомида 1-саноат навли тола олиниб, иккинчи йил сўнгги таъсирида тола чиқиши 40,6 %, 1000 дона чигит вазни 120,0 г ни, чизиқли зичлиги 183 м/текс, узилиш кучи 4,6 г/к га тенг бўлиб, бу



кўрсаткичлар назоратдан 0,1 %, 5,0 г, 3,0 м/текс ва 0,1 г/к га юқори эканлиги кузатилган.

Диссертациянинг “Калийли ўғитни ғўзада қўллашнинг иқтисодий самарадорлиги” деб номланган бешинчи бобида назорат вариантда 3 йилда ўртача пахта ҳосили 41,3 ц/га, сотишдан тушган пул маблағи эса 4006100 сўм/га га тенг бўлган ва гектаридан 1006100 сўм шартли соф фойда олиниб, рентабеллик даражаси 33,5 % ни ташкил этганлиги баён қилинган.

Россиядан келтирилган ва маҳаллий хом ашёдан тайёрланган янги турдаги калийли ўғитлар қўлланилган вариантларда пахта ҳосили 3 йилда ўртача 45,9 ва 45,8 ц/га ни ташкил этиб, олинган шартли соф фойда 1223500 ва 1222580 сўм/га, рентабеллик даражалари эса 37,9 ва 37,9 % га тенг бўлган.

Маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғит 50 кг/га меъёрда экиш олдида ва 50 кг/га шоналашда, 2-3 чин барг ва шоналашда, шоналаш ва гуллашда қўлланилган вариантларда олинган шартли соф фойдалар мутаносиб равишда 991380, 1045280 ва 991380 сўм/га ни ташкил этган ҳолда 3-вариантга нисбатан рентабеллик даражалари 6,6; 5,0 ва 6,6 % га кам бўлгани аниқланган.

Калий 100 кг/га меъёрларда турли муддатларда қўлланилган 7–11-вариантларда рентабеллик даражалари 30,9 – 35,4 % оралиғида бўлиб мақбул қўллаш муддатидан 7,0–2,5 % га кам кўрсаткичлар олинган.

Калий 300 кг/га меъёрда 1 марта заҳира ҳолда, ресурстежовчи технология сифатида қўлланилган вариантда рентабеллик даражаси 37,3 % га тенг бўлиб, 2 марта қўлланилганга нисбатан 0,6 % га кам бўлган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Эскидан суғориладиган алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланган типик бўз тупроқлар шароитида Россиядан келтирилган ва маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғитларининг ғўзадаги самарадорлиги тенг эканлиги аниқланди.

2. Тажрибани 3-йилида ғўзани амал даври охирида назоратда тупроқнинг 0–30 см ли қатламида ўсимликларни ўзлаштирганлиги ҳисобидан калийни деярли барча шакллари, шу жумладан умумий калийни дастлабки ҳолати-дан 0,1 % га, алмашинувчи 6,0 мг/100 г ва сувда эрийдигани 0,2 мг/100 г га камайди. Нисбатан мақбул кўрсаткичлар маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити 2 марта: 50 кг/га кузги шудгорда, 50 кг/га ғўзани шоналаш даврида қўлланилганда олиниб, умумий калий миқдори дастлабки ҳолатидан 0,05 % га камайганлиги назоратга нисбатан эса 0,05 % юқори, алмашинув-чиси дастлабки ҳолатидан 2,0 мг/100 г кам лекин назоратдан 4,0 мг/100 г юқори бўлган. Заҳира ҳолда (300 кг/га) қўлланилган вариантда ҳам калийни барча шакллари йилдан йилга пасайиши, лекин назоратдан юқори бўлганлиги кузатилди.

3. Тюбегатан сильвинитларидан тайёрланган калий ўғитини ўсимликлар ўзлаштиришини юқори даражаси 50 кг/га кузги шудгорда ва 50 кг/га шоналашда қўлланилганда кузатилиб, бир гектар майдондан ўзлаштирилган

азот миқдори мутаносиб равишда 297,0–301,3 кг фосфор 111,1–112,6 ва калий 279,3–279,5 кг ни ташкил қилган ҳолда бир тонна ҳосил учун сарфланиш 54,8–55,1; 20,5–20,6 ва 51,5–51,0 кг га тенг, калийни фойдаланиш коэффиценти эса 46,1 – 46,3 % бўлганлиги аниқланган.

4. Эскидан суғориладиган типик бўз тупроқнинг алмашинувчи калий билан таъминланганлик даражаси (280 мг/кг) ўртача бўлишига қарамай тажриба охирида назоратда ва барча қолган вариантларда ҳам калийни мувозанати қониқарсиз бўлганлиги кузатилди. Назоратда калий мувозанати (3 йилда) –573,0 кг/га тенг бўлиб, энг мақбул вариантда (3) калийни самарали мувозанати –435,1 кг/га бўлди ва ғўза калийни асосан тупроқдаги захираларидан ўзлаштириши аниқланган.

5. Ёғзани мақбул ўсиши, ривожланиши, куруқ масса тўплаши, кўсакларни очилиш даражаси, вилт касалига камроқ чалиниши маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити 50 кг/га меъёрда кузги шудгорда ва 50 кг/га шоналашда қўлланилганда кузатилиб, ўртача пахта ҳосили (3 йилда) 45,8 ц/га ни, кўшимчаси эса 4,5 ц/га ни, калийни 3 йиллик меъёри захира ҳолда, ресурс тежовчи агротехнология сифатида қўлланилганда ўртача пахта ҳосили 45,5 ц/га ни, кўшимчаси эса 4,2 ц/га ни ташкил қилган.

6. Пахта толасининг нисбатан юқори технологик сифат кўрсаткичлари: тола чиқиши – 41,0 %, 1000 дона чигит вазни 119,1 г, чизикли зичлиги 186 м/текс, узилиш кучи 4,8 г/к ни ташкил қилган ҳолда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити 2 муддатда (50 кг/га меъёрда кузги шудгорда ва 50 кг/га шоналашда) қўлланилганда олинди ва назоратдан 0,5 %, 4,0 г, 6,0 м/текс ва 0,3 г/к га юқори бўлган. Чигит таркибидаги умумий азот миқдори пахтани 1 ва 2 – теримларига мутаносиб равишда 2,0 – 1,87 % ни, оксилсиз азот 0,08 – 0,067 % ни, ва оксиллиги 1,32 – 1,20 % ни, мой миқдори эса 19,0 – 17,2 % ни ташкил этган.

7. Энг юқори шартли соф фойда 1 222 380 сўм/га ни, рентабеллик даражаси 37,9 % ни ташкил этган ҳолда маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калий ўғити 50 кг/га меъёрда кузги шудгорда ва 50 кг/га шоналашда қўлланилганда олинган.

Ресурс тежовчи агротехнология сифатида калийни 3 йиллик (300 кг/га) меъёри бир йўла қўлланилганда шартли соф фойда 1 199 280 сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 37,3 % ни ташкил этган.

8. Эскидан суғориладиган (алмашинувчи калий билан ўртача даражада таъминланган) типик бўз тупроқларни сув эрозиясига чалинмаган қисмларида маҳаллий хом ашёдан тайёрланган калийли ўғитни (50 кг/га) кузги шудгорда ва шоналашда (50 кг/га) ҳамда ресурс тежовчи агротехнология сифатида захира ҳолда 3 йиллик меъёрларини (300 кг/га) бир марта кузги шудгорда қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx/V.43.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО – ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ ПОЧВОВЕДЕНИЯ И АГРОХИМИИ**

---

**НАУЧНО – ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЕКЦИИ,  
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ  
ХЛОПКА**

**ИСМАЙЛОВ ЖУМАНАЗАР ИСМАТОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АГРОТЕХНОЛОГИИ ПРИМЕНЕНИЯ  
МЕСТНОГО КАЛИЙНОГО УДОБРЕНИЯ НА ХЛОПЧАТНИКЕ В  
УСЛОВИЯХ ОРОШАЕМЫХ ТИПИЧНО-СЕРОЗЕМНЫХ ПОЧВ**

**06.01.04 – Агрохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2018**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx90

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета по присуждению ученых степеней при научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии по адресу: [www.soil.uz](http://www.soil.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Ибрагимов Назирбай Мадримович,**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Хашимов Фарход Хакимович,**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Баиров Абдунаби Жураевич,**  
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:** **Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «30» 05 2018 г. в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx/B.43.01 по присуждению ученых степеней при научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии (НИИПА). Тел: (+99871) 246-09-50; факс: (+99871) 246-76-00, e-mail: [info@soil.uz](mailto:info@soil.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Научно-исследовательском институте почвоведения и агрохимии (зарегистрирована № 9). (Адрес: 100179, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Камарнисо, 3. Тел: (+99871) 246-15-38).

Автореферат диссертации разослан «12» 05 2018 года  
(реестр протокола рассылки 4 от «12» 05 2018 г.)



**Р.К.Кузиев**  
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

**Н.Ю.Абдурахманов**  
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.б.н., старший научный сотрудник

**М.М.Ташкузиев**  
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

## **ВВЕ ДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время в мире хлопчатник выращивается на площади 29,2 млн. га, при этом ежегодно производится свыше 22,8 млн. тонн хлопковолокна<sup>1</sup>. В деле повышения урожайности, сохранение плодородия почвы а также улучшения агрохимических свойств потребность калийным удобрением из года в год растет. Для создания оптимального уровня питательных веществ в почве в США, Германии, России, Китае и других государствах ведутся работы по производству калийных удобрений. С учетом внедрения всех грантов в мире к 2025 году производство калийных удобрений предусмотрено довести до 19 млн. тонн<sup>2</sup>.

В государствах мира возделываемых хлопчатника, в том в США, Индии, Китае и других странах проводится научные исследования по применении норм сроков калийных удобрений, влияние на почву и растения, а также на повышение продуктивности. В этих странах разработаны нормы и сроки применения калия удобрений вместе с азотными и фосфорными и внедряются агротехнологии применения удобрений в производство.

